

# МОСКВАДА КОРИЛАР МУСОБАКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Душанба, 26 сентябрь 2016. Москвада XVII Москва Халкаро корилар мусобакасининг якуний кисми бўлиб ўтди. Россия Муфтийларининг Кенгаши, мана, 17 йилдирки, мусобакага энг яхши хофизи Куръонларни жамлаб келмокда. Хар йили шарк ва гарб

мамлакатлари вакиллари унда катнашиб, россиялик тингловчилар билан ўз махоратларини бахам кўрадилар.  Бу йилги мусобака мужаввид кори йўналишида ўтди. Унда ўттиздан ортик мамлакатлар вакиллари иштирок этдилар. Биринчи ўринни малайзиялик катнашчи Абдулла Фахми кўлга киритди.  Мусобаканинг нафакат Россия балки чет давлатларида хам машхурлиги диккатга сазовор. Айникса, Европа учун бу ноёб холатдир, чунки бу каби мусобакалар асосан Ислом-араб олами хамда Малайзия ва Индонезия мамлакатларида ўтказилади.  Таъкидлаш жоиз, тадбир Россия Федерациясининг Ташки Ишлар Вазирлиги ва хукумати кўмагида бўлиб ўтган. 2010 йил Корилар мусобакаси ЮНЕСКО рахбарлиги остида ўтказиладиган тадбирлар рўйхатига киритилган.

**Манба: musulmanka.ru**